

ҲАРБИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10016364>

Лиханов Владимир Олегович

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

Академияси кафедра катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада педагогиканинг методологик муаммолар ва унинг таркибий тузилиши ҳарбий- педагогик жараённинг қонуниятлари ва тамойиллари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Педагог, ҳарбий, методология, тадқиқот, фундаментал, метод, фактор, тизим, амалиёт.

Педагогиканинг методологик муаммоларига барча даврларда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ҳам мамлакатимизда билимнинг бу соҳасига қизиқиш янада кучайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаёт давомийлиги ва фан ривожининг юқори обстракция поғонаси мураккаб, ечими бирмунча қийин бўлган саволларни юзага чиқармоқда. Табиийки, уларнинг илми билишнинг эскича ёндашувлари ёрдамида ҳал этилиши анча мушкул. Методология ҳам амалиёт талабларидан ортда қолиши, ижтимоий кадриятларнинг ўзгариш қонуниятларига боғлиқ ҳолда ривожланмаслиги мумкин эмас.

Биринчи навбатда ҳарбий таълим тизимида жорий қилиниши зарур бўлган методларни излаб топиш, уларни ҳарбий жараёнлар амалиётига татбиқ этиш, илмий билиш мантиқини лойиҳалаш, ҳарбий тадқиқотлар самарасини оширадиган техникавий қурилмаларни яратишга эътибор қаратилган. Бошқа томондан, методологиянинг дунёқараш жиҳатлари – чўқур назарий умумлашма, башоратлаш, фан стратегиясини ва унинг мавқеини ошириш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислоҳотларига мос равишда амалга оширилмоқда.

Методология – (юнунча – методлар ҳақида таълимот) ижодий жараён сифатида ҳарбий тизим жараёнининг илмий билиш йўллари ва воситаларининг, илмий тадқиқот қонуниятларининг, уларни таққослаш ва тизимлаштириш замирида юзага келган. Демак, методология ҳарбий жараёнларнинг илмий билиш фаолияти, моҳияти, йўллари ва воситаларининг назарий муаммоларини, шунингдек, ҳарбий жараённинг илмий тадқиқот қонуниятларини ўрганади.

Методология тушунчаси мураккаб ва ҳар доим ҳам бир хилда талқин қилинавермайди. Биринчи навбатда у кенг маънода – фан методологияси сифатида қўлланилиб, барча илмий фанлар учун илмий билишнинг фалсафий таянчи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, методология фан сифатида обектив борлиқни билиш ҳақида таълимот (назарияси) дир. Тор маънода эса аниқ илмий фанлар (шу жумладан ҳарбий педагогика) учун илмий билиш назариясини англатади.

Унинг таркибий тузилишини диалектик материализмнинг асосий қонунлари (қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, миқдор кўрсаткичдан сифат кўрсаткичга ўтиш, инкорни инкор қилиш), категориялар (кўриниш ва моҳият, шакл ва мазмун, имконият ва ҳаққонийлик, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, умумийлик, ўзига хослик, бирлик ва ҳ.к)

ва тамойиллар (обективлик, ҳар томонлама таҳлиллаш, ривожлантириш, назария ва амалиётнинг бирлиги, ҳақиқатнинг конкретлиги) ташкил этади.

Унинг асосини ҳарбий – педагогик кўринишлар, уларнинг ўзига хос хусусияти, бошқа ижтимоий кўринишлар билан боғлиқлигининг ўзига хослигини намоён этишга оид ғоялар ташкил этади, ушбу ғоялар қаторига қуйидагилар киради:

- инсон шахси шаклланишининг омиллари;
- тарбия мазмуни, уни ривожлантириш қонуниятлари, инсонлар ҳаёти, ижтимоий тараққиётдаги ўрни;
- баркамол инсон тарбияси;
- шахснинг фаол ва ижодий фаолияти;
- таълим ва тарбияни ҳаёт, демократик қурилиш амалиёти билан боғлиқлиги;
- жамоанинг тарбияловчи роли;
- ватан ҳимояси;
- Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлар қурилишининг тамойиллари;
- замонавий шароитда уруш ва тинчлик диалектикаси ва ҳ.к.

Унинг асосини ҳарбий- педагогик жараённинг қонуниятлари ва тамойиллари ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар амалий амалий ҳарбий-педагогик фаолият ва бўлажак ҳарбий хизматчиларнинг таълим- тарбияси соҳасидаги келгуси тадқиқотларга нисбатан методологик функцияни бажаради.

У ўз ичига қуйидаги ҳарбий- педагогик жараённинг умумий муаммоларини қамраб олади. Улар қуйидагилардир:

- ҳарбий педагогика объекти ва предметининг таҳлили, улар ривожланишини намоён бўлиш йўналишлари;
- ҳарбий педагогика асосий категорияларининг илмий моҳиятини аниқлаш ва характеристикаси, уларни ҳарбий- педагогик билимлар тизимида ўрнини аниқлаш;
- ҳарбий педагогик назарияни лойиҳалаштиришнинг таркибий тузилиши ва услубларига нисбатан талабларни асослаш;
- ҳарбий педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқасини тадқиқ қилиш;
- ҳарбий педагогик назария ва ҳарбий хизматчилар таълими ва тарбиясининг амалиёти ўртасидаги боғлиқлигини намоён қилиш ва аниқлаш;
- ҳарбий педагогика ривожланишини прогнозлаш, тадқиқот муаммоларини асослаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, методик характердаги ишланмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш.

Унинг мазмунига ҳарбий педагогик тадқиқот методлари, уларни турли хил фаолият шароитларида қўллайдиган талаблар ҳақидаги билимлар киради.

Ҳарбий педагогикада фаол равишда назарий таҳлил, кузатиш, эксперимент, суҳбат, ёзма сўров (анкеталаш), таълим олувчи ва тарбияланувчилар фаолияти натижаларини ўрганиш, ҳужжатларни ўрганиш ва бошқа илмий- тадқиқот методларидан фойдаланилади.

Ҳарбий педагогик тадқиқотларда моделлаштириш ва математик-статистик методларини қўллашнинг тажрибаси ҳам қўлланилмоқда.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бабанский Ю.К. Педагогика: Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1999.
2. Барабанщиков.А.В, Дерюгин.П.П. Военно-педагогическая диагностика: (теория, опыт, проблема).-М.: ГАВС, 1995.
3. Барабанщиков А. В., Давыдов В. П, Феденко Н. Ф. Основы военной психологии и педагогики. М.: Просвещение. 1988.
4. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.
5. Ф. Умаров. Развитие профессиональной компетентности будущих офицеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.01 – теория педагогики. История педагогических наук Ташкент - 2021.